O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 29-mart • N 14 (3650)


# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САНЪАТ КОШОНАСИ

## Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳридаги янги консерватория биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли санъаткорлар!

Бугун Наврўз нафаси кезиб юрган гўзал ва бетакрор юртимизда яна бир катта байрам, катта шодиёна.

Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган консерваториямиз янги биносининг очилиши нафақат санъат аҳли, балки юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон учун чексиз ғурур ва ифтихор бахш этадиган қувончли воқеадир.

Шу муносабат билан мен, аввало, сиз, муҳтарам маданият ва санъатимиз намояндаларини, ижодкор зиёлиларимиз, талаба ёшларимизни, узоқ-яқиндан ташриф буюрган азиз меҳмонларимизни, барча-барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Мана шундай улуғвор, ҳар қандай инсоннинг ҳавасини тортадиган муаззам санъат даргоҳи остонасига қадам қўяр экан, одам беихтиёр санъатнинг башарият ҳаётидаги ўрни, мусиқанинг инсон руҳиятига беқиёс таъсири ҳақида ўйлайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, дунёда мусиқани севмайдиган, ундан таъсирланмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Одамзот ёзиш-чизишни, ўқишни билмаслиги мумкин, лекин, шубҳа йўқки, гўзал куй, оҳанг ва тароналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади. Таъбир жоиз бўлса, мусиқа инсоннинг юрагида албатта акс-садо беради.

Мусиқанинг беқиёс таъсир кучи фақат хурсандчилик кунларда эмас, балки инсоннинг бошига турли синовлар тушган, юраги ғам-ғуссага тўлган оғир дамларда ҳам намоён бўлиб, унга куч-қувват, руҳий мадад беради.

Одам ўз Ватанидан олис жойларда, бегона ўлкаларда юрган чоғида, дилига яқин бўлган бирон миллий оҳангни эшитганида, аввало, эл-юртини эслайди, соғинч тўла кўнглига малҳам топади.

Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ.

Шу сабабдан ҳам Бах ва Моцарт, Бетховен ва Шопен, Чайковский ва Шостакович каби буюк даҳолар яратган дурдона асарлар билан дунёдаги барча миллат ва халқлар фахрланади, уларни ҳақли равишда бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги, деб билади.

Қадрли юртдошлар!

Ўзбек халқи ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган.

Юртимизда ўз мусиқачиси, ўз санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин.



Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дутор ёки танбур каби бирон-бир чолғунинг доимо осиғлиқ туриши ҳам халқимизнинг ана шу санъатга чексиз ҳурмати ва ихлосидан далолат беради.

Айтиш мумкинки, мусиқа одамларимизнинг юрак туйғулари, руҳий кечинмалари билан чамбарчас пайванд бўлиб, ҳаётимизнинг ажралмас, узвий бир қисмига айланиб кетган.

Барчамизга маълумки, бизнинг кўҳна заминимизда қадим-қадимдан турли цивилизация ва маданиятлар ёнма-ён яшаб, аждодларимиз бошқа халқларнинг санъатидан ҳам баҳраманд бўлиб келган.

Ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида миллий санъатимиз билан бир қаторда жаҳон маданиятининг энг илғор намуналарини ижодий ўзлаштириб, янада ривожлантиргани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Шу маънода, ўтган асрнинг 20-йилларида Европа мусиқасининг маънавий ҳаётимизга кириб келгани, Тошкент ва Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларида дастлабки профессионал мусиқа мактабларининг пайдо бўлгани санъатимиз ва маданиятимиз ривожига ёрқин саҳифалар бўлиб қўшилганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу борада Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида биринчи бўлиб ташкил этилган Тошкент давлат консерваториясининг тутган улкан ўрни ҳақида алоҳида айтиб ўтишимиз зарур.

Бугунги кунда мамлакатимиз мусиқа санъати соҳасида қандай ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида олтмиш беш йиллик тарихга эга бўлган консерваториямизнинг ҳиссаси чексиз эканини, аввало, унинг опера ва балет, хор ва симфоник асарларни яратиш, замонавий эстрада ривожига кўрсатган таъсирини жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, мана шу билим масканида таҳсил олган ўнлаб санъаткорларимизнинг ўз истеъдоди билан жаҳон саҳналарини забт этаётганида, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танловларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон довруғини бутун дунёга таратаётганида, юртимизда ўтказилаётган турли мусиқа фестивалларига кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш ортиб бораётганида консерватория ижодий жамоасининг хизмати ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Бугун биз ўзининг бетакрор санъати ва бой мероси билан ўзбек мусиқа маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган бастакор ва ижрочиларни, бутун илмий-ижодий фаолиятини консерватория ҳаёти билан чамбарчас боғлаган заҳматкаш педагог-мураббийларнинг хотираси ва номларини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз ва тилга оламиз.

Шу билан бирга, эски тузум даврида бу ўқув даргоҳининг фаолияти ҳам ўта мафкуравий асосда, бирёклама ташкил этилганини бугун таассуф билан эслаймиз.

Узоқ йиллар давомида бу ерда миллий мусиқа санъатига эътибор берилмагани, ҳатто жаҳон мусиқа маданиятининг энг нодир намуналаридан бўлмиш мақом санъатига ҳам беписандлик билан қаралгани, уни ўрганиш ва

Давоми иккинчи бетда

# Биз киммиз?

Соҳибқирон Амир Темур барпо этган улуғ давлат, у қурдирган ўлмас меъморий обидалар, унинг саркардалик даҳоси бутун дунёга маълум ва машҳурдир. «Темур тузуклари» деб аталган ажойиб асари ҳам турли тилларга таржима этилиб, жаҳон миқёсида катта эътибор қозонган. Бу асар тарихчилар ва қонуншунослар томонидан кўп таҳлил ва талқин этилади. Чунки Амир Темур яратган тузуклар қонун кучига ва улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган, давлат ишлари шулар асосида амалга оширилган.

Фақат биз, адабиётчилар, «Темур тузуклари»ни мумтоз адабиётимиз тарихидан мўътабар ўрин оладиган адабий-автобиографик асар сифатида ҳар томонлама таҳлил ва талқин қилиб берганимиз йўқ. Ушбу бадиа мана шу вазифани қисман бўлса ҳам адо этиш йўлидаги бир интилишдир.

Бундан етти-саккиз аср бурун ватанимиз Туронзамин ва унинг халқлари бир юзу эллик йил мўғул босқинчиларининг жабру зулмини бошдан кечирди. Жуда катта ҳарбий кучга эга бўлган Чиғатой авлодлари Турон халқини қурол кучи билан ўзига қул қилиб олган эди.

Қуллик занжирини узиб ташлаш ва мамлакатни истилочилардан озод қилиш учун Амир Темур ва унинг содиқ одамлари ўн йилдан ортиқ ўлим хавфлари билан олишиб, энг оғир шароитларда қаҳрамонона кураш олиб борадилар.

**Пиримқул ҚОДИРОВ**

## АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛАМШУМУЛ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

### Бадиа

Бу курашнинг энг ёрқин ва ҳаққоний тафсилотлари «Темур тузуклари»да қаҳрамон образи орқали кўрсатилгандир.

Асарнинг бош қаҳрамони, Туронзаминни мўғул истилосидан озод қилиш учун бошланган халқ ҳаракатида 25 ёшлик баҳодир йигит — Темурбек етакчилик қилади. Унинг зиммасига тушган ўлим хавфи, қувғинлар, қамоқлар ва бошқа азобу уқубатларга қарамай, метин ирода билан ўз олдига қўйган мақсадига интилади.

Амир Темур ҳаётининг бурилиш паллаларидан бирига бағишланган саҳифадан парча келтирайлик:

«Мовароуннаҳрда чингизийларнинг[1] жабру зулми кучайиб кетди. Улар саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини асир олиб қамаб қўйдилар... Мен бу мазлумларни золимлар зулмидан халос қилдим. Бу иш чингизийларнинг менга нисбатан душманлик қилишига сабаб бўлди... Хон мени ўлдириш ҳақида ёрлиғ юборди. Бу ёрлиғ менинг қўлимга тушиб қолди... Барлос қавмининг баҳодир йигитларини ўз атрофимда тўплаб, уларни бирлаштирдим. Менга бўйсуниб, кўмакдош бўлишга розилик берган биринчи киши — Ики Темур бўлди, иккинчиси Жоку барлос эди...

Мамлакатнинг уламо ва машойихлари фатво ёзиб бердилар... «Мусулмонларнинг ери, молу мулки, номуси ва жонига зулм-ситам қўлини чўзган чингизийларни дафъ қилишда барча аҳли ислом мол ва жонларини аямай Темурбекка ёрдамлашсинлар...»

Бу фатвони менга кўрсатганларидан кейин жангу жадал байроғини кўтариб, чингизийлар устига лашкар тортишга қарор қилдим... Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар... Шундан кейин ўйланиб қолдим. Яхшиси шаҳардан чиқиб, Самарқанд тоғларида жойлашай. Токи менга қўшилишни истаганлар ҳузуримга келсинлар... Самарқанддан чиққанимда олтмиш отлиқдан бошқа бир киши ҳам менга эргашмади.

... Тоғда бир ҳафта ётдим, бирор киши бизга келиб қўшилмади»[2]

Бу ҳодисаларни фақат ўзи бошидан кечирган одамгина шундай аниқ, тиниқ ва таъсирли ҳикоя қилиб бериши мумкин. Темурбек ўз хотираларида ёшлик йилларида бошдан кечирган воқеаларни ҳикоя қилар экан, биз буни насрда ёзилган қаҳрамонлик достонидек, мухтасар бир романдек таъсирланиб ўқиймиз.

Амир Темур йигирма олти ёшида 1362 йилда Самарқандда мўғул босқинчиларига қарши кураш байроғини кўтариб чиққанда ҳали кўпчилик одамлар халқ озодлик ҳаракатига тайёр эмас эди. Шафқатсиз мўғул қўшинларига қарши жанг майдонига чиқувчилар жуда кам эди. Амир Темур олтмиш йигити билан Туғлуқ Темурхоннинг ўттиз минг кишилик лашкарига бас келолмаслигини сезиб, тоғларда яшириниб юради, кейин Хоразмга бориб паноҳ топмоқчи бўлади.

Аммо Мўғул хони Амир Темурни ўлдирганларга ёки тирик тутиб берганларга катта мукофотлар ваъда қилган эди. Шу мукофотдан умидвор бўлган хивалик Таваккал деган бек Қорақум саҳросида Амир Темурга қарши минг

Давоми учинчи бетда.

# МАЪРИФАТ ВА НАФОСАТ МАСКАНИ

Мусиқа инсоният маънавий тафаккурининг буюк неъматларидан биридир. Ҳар бир халқнинг маънавий маданиятда эришган ютуқлари унинг адабиёт ва санъатда, бинобарин мусиқа санъатидаги бетакрор ижод намуналари билан ҳам қадрланади ва эътироф этилади. Шу маънода халқимиз ўзининг бой миллий ва мумтоз мусиқаси, замонавий ижро санъати билан жаҳон халқлари маданиятида ўзининг беназир ўрнига эгадир. Мамлакатимиз мустақиллиги эса неча минг йиллардан буён халқимиз бениҳоя қадрлаб келаётган миллий мусиқа санъатимизни равнақ топтириш, унинг барча йўналишлари ва жанрлари имкониятларини кенгроқ кашф этиш, унутилган мусиқа йўллари — халқимизнинг қадим наволарини тадқиқ қилиш ва умумхалқ мулкига айлантириш, ўзбек мусиқа санъатини жаҳон кўламида бор бўйи билан кўрсатишда бениҳоя катта имкониятлар очаётир.

Бу жиҳатдан ўтган жума куни мамлакат пойтахтида улкан мусиқа саройи — консерваториямизнинг янги биноси очилгани муҳим тарихий воқеа бўлди.

У ёшларимизнинг мусиқий дидларини камол топтириш, миллий мумтоз мусиқамиз ва жаҳон мусиқа санъатининг энг гўзал намуналаридан баҳраманд бўлиш, мусиқий маданиятнинг инжа сирларини эгаллаш йўлида хизмат қиладиган, миллатнинг маънавий камолотини янада юксалтирадиган қадрдон даргоҳлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Юртбошимиз консерватория янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганларидек, **одамзот ёзиш-чизишни, ўқишни билмаслиги мумкин, лекин шубҳа йўқки, гўзал куй, оҳанг ва тароналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади.** Мана шунинг учун ҳам мусиқа инсонга ҳамиша ҳамроҳ, унинг туйғуларига, руҳиятига қанотдир.

Халқимизнинг миллий мусиқа санъати ниҳоятда қадимий. Унинг илк сарчашмалари халқ оғзаки ижоди намуналари билан ҳамоҳанг тарзда вужудга келган бўлиши мумкин. Шу боисдан халқимизнинг оғзаки ижоди, ҳунармадчилиги, меъморчилиги, адабиёти қанчалик қадимий бўлса, унинг мусиқаси ҳам шу қадар қадимий деб айта оламиз. Теран миллий мусиқамиз сарчашмаларига таянган не-не ҳофизлар, созандаю хонандалар ўзининг бетакрор ижро йўлла-

Давоми иккинчи бетда.

# ИФТИХОР ҚИЛСАК АРЗИЙДИ

Наврўз айёмида пойтахтимиз Тошкентнинг яна бир муҳташам кошона — консерваториянинг янги биноси билан обод бўлгани юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида ифтихор ҳиссини уйғотди.

Бизнинг уюшмамиз консерватория билан бевосита боғлиқ ҳолда иш олиб боради. Аввало, ана шу даргоҳни тугатган профессионал ижодкорлар уюшмага аъзо бўладилар. Шунинг учун ҳам консерваториянинг янги биноси қурилишидан то очилишигача бўлган жараёнда Бастакорлар уюшмаси аъзорлари фаол иштирок этишди. Консерваториянинг янги муҳташам биносига қадам қўяр экансиз, беихтиёр сизни бу гўзал саройнинг салобати босади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган ажойиб ибораларини эслар эканман, бу бинони — ўтмиш ва келажакни туташтирувчи кўприкка қиёслагим келди.

Зеро, жаҳон андозаларига мослаб қурилган бу даргоҳда кечадиган ўқиш ва ижод жараёнлари юксак даражада ташкил этилади. Том маънода илм ва ижод гуллаб-яшнайди. Мусиқа дурдоналари яратилади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Бугун биз фарзандларимиз, набираларимиз Париж, Англия, Америка консерваторияларида ўқияпти, деб фахрланамиз. Умид қиламизки, вақти келиб, чет эллик фуқаролар ўз фарзандлари Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўқиётганидан ғурурланадиган бўладилар.

Санъат кошонасининг очилиш маросимида Президентимиз: «Бу даргоҳда таълим-тарбия оладиган ўғил-қизларимиз келажакда буюк созанда, хонанда ва бастакорлар бўлиб етишади, Ўзбекистон санъатини янги чўққиларга олиб чиқади», деб баралла айтдилар. Консерваториянинг янги биноси ана шундай улуғ ниятни кўзлаб бунёд этилгани ва Юртбошимизнинг мусиқа ижодкорларига бўлган юксак ишончи бизни янги-янги ижодий парвозларга илҳомлантирмоқда.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
**Бастакорлар уюшмаси раиси**

# ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Шаҳримизнинг қоқ марказида қад ростлаган консерваториямизнинг янги биносига қадам қўяр эканман, шу ўқув масканининг собиқ талабаси эканлигимдан фахрландим ва унинг бугунги талабаларига ниҳоятда ҳавасим келди. Мана энди энг замонавий равишда жаҳон андозаларига мослаб қурилган, ўқиш ва ижод қилиш учун ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган бу саройда таҳсил олишнинг завқини айтинг. Талабалар ҳар қанча ифтихор билан ўқисалар, ижод қилсалар арзийди. Бу масканнинг Президентимиз томонидан Ўзбекистон давлат консерваторияси деб эълон қилиниши эса барча ўқувчилар ва педагоглар зиммасига ғоятда шарафли масъулият юклайди.

Янги бинонинг афзалликлари ҳақида тўлиб-тошиб гапириш мумкин. Бинонинг олд томони ўқув аудиториялари, орқа томонида эса ўзида тўртта концерт залини жамлаган театр бўлими жойлашган. Театр бўлимида нуфузли халқаро танлов ва анжуманларни ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Ҳар бир зал нозик дид билан безатилган, юқори сифатли техник аппаратлар билан таъминланган.

Аввалги бинода спорт зали йўқ эди. Эндиликда талабалар бир эмас, учта спорт залида шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Бир неча компютер синфлари, кутубхона ва қироатхоналар турли зарур ускуналар билан жиҳозланганлиги талабаларга катта қулайликлар яратади. Синф ва аудиториялар кенг, ёруғ. Аудиторияларга янги чолғу асбоблари келтирилмоқда.

Консерватория қошида махсус мусиқа илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Унда аспирантура, докторантура бўлимлари фаолият олиб боради.

Консерваториянинг янги ҳаёти республикамиз мусиқа маданияти ва таълими ривожидаги янги босқичдир.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**композитор, Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреати**

# ТЕАТР БАЙРАМИ

Ҳар йили Халқаро театр куни арафасида театр санъати намоёндаларини Маданият ишлари вазирлигининг «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва Театр ижодкорлари уюшмасининг йиллик мукофоти билан тақдирлаш анъанага айланган.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтган тантанали кечани бирлашма бош директори М.Абдуқундузов очиб, барча санъаткорларни Наврўз ва касб байрамлари билан қутлади. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан санъат аҳлига, хусусан, театр арбобларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда театр ва санъаткорнинг ўрни ҳақида сўзлади.

Шундан сўнг Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан юртимизнинг кекса санъаткорлари Галия Измайлова, Муҳаббат Йўлдошева, Муҳтарама Носирова, Эркли Маликбоева, Наби Халилов, Тўйчи Орипов, Анвар Юсупов, Искандар Мусабековга «Театр санъатига бахшида умр» мукофотлари топширилди.

Йилнинг энг яхши спектаклига аталган мукофот «Алпомишнинг қайтиши» (Муқимий номидаги театр) ва «Қабоҳат тузоғи — XXI» (Ёшлар театри) спектаклларига берилди. Драма йўналиши бўйича мазкур мукофотга лойиқ номзод топилмади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзметов (Хоразм вилоят театри) ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Омонулла Абдураззоқов йилнинг энг яхши режиссёрлик иши учун тақдирландилар.



Миллий театр актёри Фатхулла Маъсудов, Андижондаги Алишер Навоий номидаги ҳамда «Лола» қўғирчоқ театри актрисалари Гулшан Азизова ва Нигора Мажнунова йилнинг энг яхши эркак ва аёл роллари учун таъсис этилган мукофот соҳиби бўлдилар.

Ёш томошабинлар театридан Наталя Глубокина йилнинг энг яхши саҳна мусаввири, деб топилди. Санъатшунослар Тоир Исломов ва Дилфуза Раҳматуллаева энг фаол театр танқидчисига ажратилган мукофотни олдилар.

Абдуғани Рўзиев (Муқимий номидаги театр), Акмал Саидов (Оперетта театри) ва Назира Ҳожиметова (Самарқанд) энг яхши эпизод ва умидли актёрга аталган мукофотга лойиқ топилдилар.

Шунингдек, Н.Оқилов (Ўзтелерадиокомпания), М.Ёшжонов (Қорақалпоғистон), Ш.Раҳматов (Қашқадарё), И.Гуленко (Ёшлар театри), Д.Анварова (Миллий театр), Л.Немешина ва Н.Павлова (Фарғона) каби театр санъати намоёндалари турли мукофотлар билан тақдирландилар.

Театр санъатини мактаб ўқувчилари ўртасида самарали тарғиб этишда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ халқ таълими ходимлари ҳам мукофотландилар.


## Бу сонда:

ШУ КУНЛАРНИ КУТГАН МЎЪЖИЗА — 2

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги — 3

ҚоФиЯЎЙиН — 4

МеНи ТаНиЙсАн-А? — 4


# БИЛДИРИШЛАР

2 апрел, сешанба куни соат 14.30да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Онажоним шеърият» тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Машғулотни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али бошқаради.

Барча ёш ижодкорлар ва адабиёт ихлосмандлари таклиф этилади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

* * *

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Бадиий академия, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда шу йил 12 апрел, соат 11.00да «Туркистон» саройида «ЭСТРАДА САНЪАТИ – МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказади.

Анжуманга санъатимиз намояндалари, санъатшунос олимлар, эстрада хонанда ва созандалари, ёш ижрочилар ҳамда эстрада мухлислари таклиф этилади.

***«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси***

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САНЪАТ КОШОНАСИ

## Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳридаги янги консерватория биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи

**Боши биринчи бетда**

тарғиб этиш масаласи 70-йиллардагина, шунда ҳам, халқаро мусиқа жамоатчилигининг таъсири остида йўлга қўйилгани, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Мана шундай нотўғри ёндашувни биз эллигинчи йилларда рўй берган, мусиқа ижрочилигида ўзбек миллий чолғу асбобларидан воз кечишга бўлган бемаъни уринишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, Турғун Алиматовдек буюк санъаткорлар қўлида тенгсиз мўъжизага айланадиган танбур навосидан завқ олмайдиган, ҳайратга тушмайдиган, унга қойил қолмайдиган одам борми? Бундай ноёб, нодир санъатни халқ хотирасидан ўчириш, йўқ қилиш мумкинми?

Ўша мустабид замонларни кўрмаган ҳозирги ёшларимиз учун миллий мусиқага бўлган бундай муносабат мантиқсиз ва кулгили бўлиб туюлади, албатта.

Лекин шу ерда ўтирган ёши улуғ санъаткорларимиз ана шундай носоғлом қарашлар туфайли ижод аҳли қанча жабр чекканини, не-не инсонларнинг наинки истеъдоди, балки ҳаёти ҳам барбод бўлиб кетганини яхши биладилар, деб ўйлайман.

Бугун яқин ўтмишимизга хос бўлган, халқимизни ўз миллий табиатидан жудо қилишга қаратилган бу каби воқеа-ҳодисаларга биз ғайритабиий ҳаракатлар, деб баҳо беришимиз, энг муҳими, улардан керакли сабоқ ва хулосалар чиқариб, консерватория фаолиятини биз учун устувор тамойил бўлган миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантиришимиз даркор.

Муҳтарам санъат намояндалари!

Бугун сизларнинг, барча мусиқа ихлосмандларининг ихтиёрига топширилаётган, энг нозик дид ва юксак замонавий талабларга жавоб берадиган бу муҳташам кошона, ҳеч шубҳасиз, ҳаётини санъат йўлига бахшида этган фарзандларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадга хизмат қилади.

Бундай олижаноб, эзгу ниятларни, орзу-умидларимизни, қолаверса, ишончимизни рўёбга чиқариш учун албатта кўпгина масалаларга алоҳида эътибор билан қарашимиз зарур.

Бугунги мавжуд муаммоларга, бу соҳага бўлган муносабатимизга, барча ишларимиз ва фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, баҳо беришимиз шарт.

Ҳозирги кун талаблари бутун мусиқа таълимини янги, юқори босқичга кўтаришни, шу жумладан, консерваториямиз имкониятларига янгича нуқтаи назардан ёндашиб, янги ихтисослик йўналишлари, факультет ва бўлимлар очишни тақозо этади.

Ўйлайманки, консерватория қошида санъатимиз ниҳолларини тарбиялаб, парвариш қиладиган академик лицей ташкил қилиш, мусиқа илмий-тадқиқот марказини тузиш, дунёдаги энг нуфузли ўқув даргоҳларидан машҳур санъаткор ва педагогларни ишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айниқса, асрлар давомида мисқоллаб тўпланган, аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган бебаҳо маънавий меросимиз қаторида мусиқа жавоҳирларини ҳам асраб-авайлаб, янада бойитиб, келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Шу ўринда мен санъаткорларимиз, ижодкор зиёлилар, жамоатчилигимиз вакиллари томонидан билдирилаётган бир таклифни сизларга ҳавола қилмоқчиман.

Яъни, бу олий мусиқа даргоҳининг мамлакат маданий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини инобатга олиб, уни бундан буён Ўзбекистон давлат консерваторияси, деб атасак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри қарор қабул қилган бўлур эдик.

Бу ном аввало консерваториямиз олдида турган улкан вазифаларга, унинг мана шу ҳашаматли, муаззам биносига ҳам, обрў-эътиборига ҳам ғоятда мос тушади, деб ўйлайман.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун биз дунёдаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, юртимизда эркин ва фаровон жамият барпо этаётган эканмиз, санъатни, мусиқани ўзимизнинг маънавий ҳамроҳимизга айлантирмасдан туриб, ана шу юксак марраларга эришишимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукаммал қилишимиз мумкин эмас, албатта.

Бундай олижаноб мақсадларга етиш учун биз мусиқа санъатини фақат марказда эмас, балки олис шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам ривожлантиришимиз, бу соҳанинг фаоллари, фидойиларини доимо қўллаб-қувватлашимиз ва мана шу гўзал даргоҳда улар билан тез-тез учрашиб туришимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётбахш мусиқа садоларининг юртимиз бўйлаб ҳамиша янграб туриши ҳаётимиз қоидаси бўлиб қолиши даркор.

Бу вазифаларни бажаришда консерваториямиз барча ишларни мувофиқлаштириб, уларга бош-қош бўладиган нуфузли марказга айланиши зарур.

Ишонаманки, бу даргоҳда таълим-тарбия оладиган ўғил-қизларимиз келажакда буюк созанда, хонанда ва бастакорлар бўлиб етишади, Ўзбекистон санъатини янги чўққиларга олиб чиқади.

Бу муҳим ва масъулиятли ишда биз, биринчи галда, ҳаётини шу соҳага бағишлаган сиз, муҳтарам устоз-мураббийларга, ижодкор зиёлиларга, барча маданият намояндаларига таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу бетакрор санъат қасрини барпо этишда сидқидилдан меҳнат қилган лойиҳачи ва муҳандисларга, қўли гул уста ва қурувчиларга, бу хайрли ишда қатнашган барча юртдошларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган ушбу муҳташам бинонинг ишга туширилишини биз мусиқа санъатига нисбатан меҳр — муҳаббатимизнинг ёрқин намоёни, деб қабул қилишимиз керак.

Мана шу улуғвор саройнинг эгалари бўлган санъат аҳлига, талаба ўғил-қизларимизга қарата шуни айтмоқчиманки, бу гўзал кошона сизларга, бутун халқимизга, муборак бўлсин, санъатимизни янада юксалтириш йўлида хизмат қилсин, янги ютуқ ва омадлар келтирсин!

Бу маърифат ва нафосат масканидан ҳамиша эзгулик ёғдуси, ҳаётга муҳаббат, бахт ва қувонч садолари таралиб турсин!

Барчангизни қутлуғ Наврўз айёми билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

# МАЪРИФАТ ВА НАФОСАТ МАСКАНИ

**Боши биринчи бетда**

ри билан халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, жаҳон кўламида обрў-эътибор қозонганлари бежиз эмас. Мўллатўйчи Тошмуҳамедов, Ҳожи Абдулазиз, Муҳиддин Қориёқубов, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов сингари буюк санъаткорларнинг издошлари бугун ҳам мусиқа маданиятимиз саҳифаларини безаб турибди. Жаҳон кўламида ўтказилаётган турфа санъат анжуманлари, халқаро танловларда Ўзбекистон истеъдодлари тингловчилар қалбини ром этиб, миллий мусиқа санъатимиз довруғини оширмоқдалар. Мунождот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова сингари истеъдодларнинг санъатидан ҳайратга тушмаган одам йўқ.

Ўзбекистон пойтахтида консерваториямизнинг янги биноси барпо этилиб, бу муҳташам санъат кошонасида илм олиш ва ижод қилиш учун энг замонавий шароитлар яратилганлиги эса мустақиллик миллий маданиятимиз, санъат ва адабиётимизни равнақ топтиришда бениҳоя катта имкониятлар очаётганининг яна бир далолати бўлди. Президентимиз Ислом Каримов консерваториянинг янги биноси очилишида сўзлаган нутқларида бу воқеа нафақат санъат аҳли, балки юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун катта ғурур ва ифтихор бахш этишини таъкидлаб, консерваториянинг янги биноси қурилишида иштирок этган муҳандис ва қурувчиларга, усталарга самимий миннатдорчилик билдирди. Бу олий мусиқа даргоҳининг мамлакат маданий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини инобатга олиб, уни бундан буён Ўзбекистон давлат консерваторияси, деб аташни таклиф этди.

Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов, бастакор Мустафо Бафоев, «Ниҳол» мукофоти совриндори Анна Гузаирова маросимда сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарига мана шундай улкан санъат кошонасини қуришда бош-қош бўлгани учун миннатдорчилик изҳор этди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида консерватория янги биноси очилишига бағишлаб намойиш этилган концерт дастури ҳам маросимга йиғилган жамоатчилик вакилларида катта таассурот қолдирди. Консерваториянинг муҳташам залида янграган миллий мумтоз мусиқамиз ва жаҳон композиторларининг ўлмас асарлари аждодларимиз қолдирган улкан маънавий бойликни асраб-авайлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, уларни келгуси авлодларга етказишда ўзбек санъаткорлари, ёш истеъдодларимиз катта имкониятларга эгалигини кўрсатди.

Юртбошимиз консерваториянинг янги биносини маърифат ва нафосат маскани деб атади. Бу даргоҳда таҳсил олаётган ва миллий мусиқа дурдоналари ҳамда жаҳоннинг энг илғор композиторлик санъати руҳида камол топаётган ёш истеъдодлар ўзбек санъати хазинасини умрбоқий асарлар билан бойитадилар.

**М. АБДУЛЛАЕВ**

## 2002 ЙИЛ – ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

# ИБРАТ

Зайниддин ака билан танишганимга ҳам эллик йилча бўлибди. Шу давр ичида муносабатимиз қалинлаша бориб, оға-ини даражасига кўтарилди, десам янглишмайман.

Мени Зайниддин Исамуҳамедовга яқинлаштирган нарса – қўшничиликнинг ўзигинамас, балки у кишининг яхши инсоний фазилатлари ҳамдир. Кўзга яққол ташланиб турган хислатларидан бири – одамохунлиги. Ҳа, у киши одамгарчиликни ўрнига қўядиган, иззат-икромни бажо келтирадиган, биров учун жонини аямайдиган олижаноб инсон.



Зайниддин акага кўплар «Домла» деб мурожаат қилишади. Чунки эллик йиллик меҳнатидан қирқ йили мобайнида Тошкентдаги олий ўқув юртларида толиби илмларга фалсафадан, тарихдан сабоқ берган, зиё тaратган. У кишининг таълим-тарбиясидан баҳраманд бўлган кишилар орасида атоқли олимлар, илмий ходимлар, раҳбарлик лавозимларида сидқидилдан эл-юрт хизматини адо этиб келаётганлар бор. Шулардан академик Талъат Соатов, тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар А.Убайдуллаев, У.Зокиров, биология фанлари доктори, профессор У.Насруллаев ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Зайниддин ака шогирдлари ютуғидан фахрланишга ҳақли.

Домла илмий-педагогик хизматни фаол тарғиботчилик, журналистик иш билан чамбарчас олиб боргани, савобли юмушларга ўзини чоғлагани туфайли элга танилди. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийси сифатида ҳурмат қозонди.

Домла ёши улғайиб қолганига қарамай, республика радиоси ва газеталарда долзарб мавзуларга бағишланган мақолалари билан қатнашиб келаётгани таҳсинга лойиқ. Халқимизнинг миллий қадриятларига, энг яхши урф-одатларига, Қуръони карим ва ҳадиси шариф ҳикматларига суяниб битилган мақолалари долзарблиги билан ўқувчи диққатини тортади, жонли бой тилда ёзилганлиги, халқчиллиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради.

З.Исамуҳамедов бир қанча мақолаларида оилавий муносабатлар, эр-хотин одоби, оталик ва оналик бурчи масалаларини кенг таҳлил этган. Жумладан, «Ота –оила сарвари» мақоласида асосий диққат отанинг оиладаги мавқеига қаратилади. Унда уқтирилишича, рўзғор ишларини юритиш ва тартиб ўрнатишда оналар ўрни беқиёс бўлса-да, оталар оила бошлиғи саналади. Оила сарф-харажатларини топиш улар зиммасидадир. Шундай экан, ота ўзининг мустаҳкам имон-эътиқоди, гўзал хулқи-одоби, яшаш тарзи ва ҳалол меҳнати билан оила аъзоларига ибрат кўзгуси бўлмоғи лозим. Шуларни уқтириш билан бирга, муаллиф фарзандларнинг ҳам ўз ота-оналари олдидаги муҳим бурчларини алоҳида эслатади. Бу фикрлар Президентимизнинг янги йил табригидаги: «Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимиз файзи, кўрки бўлган мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш – дунёдаги энг улуғ савобдир», деган қимматли ўгити билан ҳамоҳангдир...

Яқинда мен, оқсоқолдан хабар олай деб уйларига бордим. Кеч кириб қолган бўлишига қарамай, Зайниддин ака хонтахтага мук тушиб олиб, бир нарса ёзиб ўтирибдилар.

–Э, ҳорманг, оқсоқол, нима ҳаракат?

–Ҳа, энди озгина машқ...

–«Озгина машқ» деб камсуқумлик қилаяпсиз-да. Янги мақола ўқийсиз, деб қўяқолинг.

–Ахир одам машқ қилиб турмаса, қўли ишдан чиқиб қолар дейман.

–Кўз тегмасин, туф, туф... Хулласи, фурсат ғанимат, денг?

–Омон бўлинг, топдингиз.

У киши шундай дея улуғ Ғафур Ғуломнинг сатрларини ўқий бошлади:

**Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-ла**
**Безамоқ чоғидир умр дафтарин...**

Ҳа, Зайниддин Исамуҳамедов ҳануз умр дафтарини безаш билан машғул. Шу йил март ойи охирида саксон беш ёшга тўлаётган домлада ғайрат-шижоат асло сусаймаган. Қалблари инсонлар хизмати йўлида холис заҳмат чекишдай орзу-тилакларга тўла.

Мен азиз дўстимни туғилган кунлари билан биринчилар қатори табриклаб, дил сўзларимни айтдим:

–Парвардигори олам паноҳида ҳамиша соғ-саломат ва бардам бўлинг. Ибратли ҳаётингиз кўп йиллар давом этаверсин, қимматли биродарим!..

**Ҳаким НАЗИР**

# ШУ КУНЛАРНИ КУТГАН МЎЪЖИЗА

Халқимизнинг миллий мусиқа маданияти тарихи ғоят ранг-баранг ва қадимийдир. Минг йилликлар билан бўйлашадиган бу тарих хилма-хил ва бой манбаларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар асосан икки тоифага мансуб. Бири – археологлар томонидан ўрганилган ашъёвий далиллар, назарий ва тарихий рисолалар, одобномалар, шеърият ҳамда мусиқа аҳлининг ҳаёти ва ижодига оид тазкиралар, шунингдек, бошқа соҳаларга тааллуқли ёзма манбалар. Иккинчиси эса авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жонли мусиқий анъаналар ва улар ҳақидаги халқ орасидаги фикр-мулоҳазалардан иборат. Албатта, иккинчи тоифа манбалар етакчи аҳамият касб этади. Негаки, қадимда мусиқий оҳангларни қоғозга «кўчириш», яъни ноталарда ёзиш шаклан муайян даражада бўлса-да, Европадагидек нотага қараб ижро этиш ҳали тадқиқ этилмаган эди.

Бу борада жиддий ва ўз даври нуқтаи назаридан ҳайратланарли илк уринишлар бўлганлигини эътироф этиш ўринлидир. Хусусан, IX асрда буюк аллома Абу Носир Форобий оҳангларни қоғозга туширишга ҳаракат қилиб, уд чолғусида чап қўл бармоқлари ҳаракатининг жойлашишини тартибга солиб, (куйни эмас) замзамаларни ёзиб қолдиришга муваффақ бўлган. У бу кашфиётини «Дурри муфассал», яъни «сочилган дурлар» деб номлаган экан. Ҳатто мусиқанинг олтин калити - ***до, ре, ми, фа, сол, ля, си***дан иборат етти нота шу сўздан келиб чиққан, деган тахминлар ҳам бор.

Тарихнинг шаҳодатлик беришича, Кўҳна Урганч мусиқий маданиятимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Тахминан, Хоразм мусиқаси Султон Муҳаммад Қутбиддин ва Жалолиддин замонларида бирламчи даврини бошдан кечирган. Иккинчи даври эса 1805-1864 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Ниёзжон Хўжа, Махдумжон қози, Усто Муҳаммаджон сандиқчи, Абдусаттор маҳрам Хўжаш маҳрам ўғли, Усто Худойберган этикчи, Паҳлавонниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий) каби машҳур устоз-шогирд ҳофизлар етишиб чиқади. Бироқ улар оғзаки мусиқа илму амали билан машғул эдилар. Ёзма шакли ҳақида фақат 1864 йили Сайид Муҳаммадхон ўрнига тахтга келган Муҳаммад Раҳимхон Феруз таъсири орқали бош қотирилди. У Паҳлавонниёз Мирзабоши(Комил Хоразмий)га қай тариқа бўлмасин «... танбурнинг истеъмоли ва нағмаларини ҳар кимлар тарафиннан чиртабилурлик бир тадбир топилсин», деб амр қилади.

Хуллас, Паҳлавонниёз Мирзабоши танбурнинг ясалиши ва танбур пардаларининг вазияти, уларнинг пастки ва юқори ораларининг масофа даражаларини ўзига дастуриламал билиб, «Рост» мақомининг супра(қоралама)сини ўзи ихтиро этган чизиқларга туширади. Бунда «Рост» мақоми тамом бўлгач, пешрави (мансурларидан бири) бошланади. Шу мақомни кўчирганда, танбурнинг ўн саккиз пардасига уфқий хатлар чизиб, танбур пардаларини белгилайди. Шу тариқа машҳур «Хоразм чизиғи» дунёга келади. Шу пайтгача унинг олти ярим мақоми мусиқашуносларга маълум эди.

Ўтган йили кутилмаганда ажойиб бир янгилик рўй беради. Бир куни шоир Омон Матжон олдига хоразмлик Ҳофиз Оллоназаров келади ва ўзини хон саройи созандаларидан бўлган Искандар махсумнинг авлодидан деб таништиради. Мақсадга ўтиб, ўзи билан бирга Хоразм «Танбур чизиғи»нинг эски, жамоатчиликка маълум бўлмаган нусхасини олиб келганлигини айтади. О. Матжон бу топилма ҳақида Президент девонининг жамоатчилик билан алоқалар ва маданият ишлари бўлими масъул ходимларига мурожаат қилади. Бу қувончли хабар Хоразм вилояти ҳокими Ислом Бобожоновга етказилади. Ҳоким бу қўлёзма тақдири учун нима керак бўлса, ҳаммасига тайёр эканлигини билдиради. Маданият ишлари вазирлиги мутахассислари текшириб кўришгач, бу топилмани жуда юқори баҳолашади. Сабаби, унинг олдинги маълум ва мавжуд қўлёзмалардан тубдан фарқ қилишида эди. Олдинги қўлёзмаларда фақат олти ярим мақом жамланган бўлса, бу нусхада ўн мақом тўплам ҳолига келтирилган бўлиб, ҳозиргача созанда аҳлига маълум бўлмаган қўшиқларнинг ҳам ёзиб қолдирилганлиги аён бўлди.

Мен бу топилма вориси Ҳофиз Оллоназаров билан учрашиб, қўлёзманинг сақланиш тарихи ҳақида сўрадим. "Искандар махсум Ёқуб ўғли онамнинг онаси, яъни момомнинг отаси, — дейди у. — Ўз даврининг машҳур ҳофизларидан экан. Унинг бир ўғли — Жуманиёз ва бир қизи — Омина момом бўлиб, улар отамерос қадимий китоблар, қўлёзмаларни кўз қорачиғидек асрашарди. Жуманиёз тоғам вафотидан сўнг барча мерос момомга қолди. Ёлғиз фарзанди — онам бевақт раҳматлик бўлгани учун момом бу меросни менга хатлаб (расмий тарзда мерос қилиб) берган эди."

Тез орада бу қўлёзманинг ксеронусхалари уни тадқиқ этишга қизиқувчиларга тақдим этилади. Шундай талабгор ва ташаббускорлардан бири Урганчдаги мусиқа коллежи жамоаси бу ишга жиддий киришади. Изланган имконият топади, деганларидек бир қадар муваффақиятларга эришади ҳам. Бу ҳақдаги хабар каминани Хоразмга бориб, бевосита иш жараёни билан танишиб келишга ундади.

Урганч мусиқа коллежининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари билан яқиндан танишар эканман, ҳақиқатан ҳам янги топилмани ўзлаштириш осон иш эмаслигига амин бўлдим. Чунки у олдинги маълум бўлган олти ярим нотанинг давоми билан тўла бўлган шакли эмас, мутлақо бошқача тарзда ёзилганлигидадир. Умуман, иккаласининг бир-биридан фарқли жиҳатлари нимада? Янги топилманинг аҳамияти қандай? Уни ўзлаштириш нима учун қийин, бунинг сирлари нималардан иборат? Бу каби саволларга жавоб топиш учун қарийб бир йилдирки, шу иш билан мунтазам шуғулланиб, бир қадар шундай жумбоқлар ечимини топишга муваффақ бўлган мазкур коллеждаги мутахассислар фикри билан қизиқдим.

«Янги топилманинг аҳамиятли томони шундаки, олдинги мавжуд бўлган Муҳаммад Юсуф Баёний қўлёзмасида учрамаган дутор мақомларининг айтим йўллари бор, – дейди Урганч мусиқа коллежи ўқитувчиси, мусиқашунос Ботир Раҳимов, –Олдинги нусхада куйга нисбатан ашула матнининг бошланиш жойлари кўрсатилмаган, янги нусхада эса ҳатто ғазалнинг ҳар бир бандининг бошланиш ва тугалланиш нуқталари кўрсатгич чизиқлар билан баён этилган.» Дарҳақиқат, Баёний қўлёзмасига нисбатан янги топилган нусха жуда моҳирлик билан қоғозга кўчирилган. Буни ҳаттотлик санъатининг мусиқашунослик тарихидаги намунаси, десак муболаға бўлмас.

Бироқ олдинги билан янги нусхани солиштирганда рақам кўрсаткичлари ҳам тубдан фарқ қилади. Бу ҳақда шу коллежнинг анъанавий ижро бўлими танбур мутахассислиги ўқитувчиси Рустам Болтаев шундай дейди: «Янги нусхада парда кўрсаткичлари аниқ ёзилган. Олдинги нусханинг парда кўрсаткичлари абжад ҳисоби(араб алифбосидаги ҳарфларнинг рақам қийматини ифодалаш усули)да битилган, янгисида эса эски араб рақамида қайд этилганлиги қулайлик туғдиради.» Яна шуни эътироф этиш керакки, «Хоразм мақомлари» (F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980) 3 жилдлик китобининг 1-жилди 20-бетида «танбур чизиғи»дан кўрсатилган намунада ўн саккизта уфқий чизиқнинг барчаси чизилиб, керакли пардалардаги нақрлар (танбур зарб кўрсаткичлари) ифода этилган. Бунда пардалар қатнашмайдиган чизиқлар очиқ қолган, янги топилган нусхада эса фақат пардалар ёзилган чизиқлар асосида ихчамлаштириб ёзилган.

Олдинги мавжуд нусхада қўшиқ матни берилмаганини айтиб ўтдик. Янги топилган нусхада, асосан, Навоий, Огаҳий, Мунис, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Ҳофиз Шерозий ғазаллари ва халқ оғзаки ижодиёти намуналари ўрин олган. Буларни араб ёзувидан ўзимизнинг ёзувимизга Ҳамидулла Аминов табдил қилибди. «Мен бу ишимдан ўзимни жуда бахтиёр ҳис этаяпман. Чунки ҳали ёшман, энди йигирма бешга тўлдим. Шу ёшимда шундай тарихий ишга бош қўшганлигимни омадим деб биламан», - дейди у фахрланиб.

Хоразмликлар ўз ҳофизлари, созандаю хонандалари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Зеро, Хоразм мақомларининг бизнинг давримизгача авлоддан авлодга оғзаки тарзда ўтиб келишида замондошларимиз бўлган Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов каби буюк ҳофизларнинг ҳиссалари катта. Улар Хоразм мақом ижрочилигида ўзига хос мактаб яратишган. «Уларнинг анъанавий йўлда ижро этган мақомларига суянган ҳолда янги топилмани тиклашга мушарраф бўлдик, - дейди ҳофиз Самандар Худойберганов. — Ҳозирги анъанавий мақомга солиштирсак, ўхшаш томони: «Рост» мақомининг нақшида ярим авжгача бир хил кетади. Янгисида ижро имкониятлари кенгроқ, яъни катта авжлари билан берилган. Шуниси диққатга сазоворки, анъанавий – устозлардан шогирдларга оғзаки тарзда ўтиб келаётган мақомимизда катта авжлари бизгача етиб келмаган эди. Янги топилма орқали шу нарсага эришилди.» Иккала нусхани ўзаро таққослаш орқали яна шунга ўхшаш бошқа фарқлар ҳам маълум бўлди. Масалан, дутор мақомидаги «Зиҳий наззора» қисмидаги «қаддим ҳамлиғи» деб номланган 4-асар ҳар иккаласида ҳам Комил Хоразмийнинг «Манга қилмай ирсол пайғомлар» сатри билан доира усули ҳам, мусиқаси ҳам бир хил бошланади. Аммо авжи бошқача, янги топилмада баланд авжлари билан тўлиқ берилган.

Халқимизда «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган қадим ҳикмат бор. Бу бежиз эмас, албатта. Мусиқа соҳасида ҳам шундай.

«Мен 1966-67 йилларда Урганч маданият уйи қошидаги Мақом ансамблига қатнашиб, ўша даврда машҳур бўлган ҳофизу созандалардан ака-ука Ҳожихон ва Нурмуҳаммад Болтаевлар, Абдушариф Вафоев, Рўзмат Жуманиёзов, Аҳмаджон Олажа, Оллоназар Ҳасанов, Назар Отажонов, Рўзмат Бекчоновлар ижросида Хоразм мақомларининг ашула йўлларини эшитиб, "қулоқ-қонди" бўлганман. Янги топилмани тиклашда устозлардан олган сабоқларим, орттирган тажрибаларим жуда қўл келди», – дейди ширин хотиралар ҳаяжонига берилиб, шу коллеж мақом ансамблининг бадиий раҳбари Мадраҳим Ёқубов. Дарвоқе, ғазал матнларини бўғинларга бўлишда, уни куй билан боғлаб ижро этишда устозлар анъаналарига суянилган ҳолда иш юритилганини бу ижодий жамоанинг деярли ҳар бир вакили эътироф этди. Айни пайтда улар «Рост» мақомидан бир қанча бўлакчаларни ўрганишиб, шогирдларига ҳам ўргатишга муваффақ бўлишибди. Биз уларнинг биргаликдаги ижроларини тингладик. Булар: 1. Мунисннинг «Ё вожиб ал вужуд лакал ҳамду васанно» деб номланувчи ғазалига ёзилган «Тани мақоми рост», 2. Халқ сўзи билан айтиладиган «Таронаи мақоми рост» «Мухаммаси сайри гулшан» билан давом эттирилган ҳолда, 3. Мунис ғазали билан «Нақши мақоми рост», 4. «Муқаддимаи талқини рост», 5. Мунисннинг «Эй, жамолинг олдида бир зарра янглиғ офтоб» ғазали асосида «Талқини рост» ашулалари эди.

Очиғи, уларни эшитишдан олдин бунчалик руҳий таъсир оламан деб ўйламаган эдим. Ашулалар марвариддай тизилиб, бир-бирини тўлдириб, ажиб бир оҳангларда янграр эдики, беихтиёр турфа хаёлотлар ичра сайр этиб юргандек сархуш бўлдик. Илгари ҳам мумтоз куй-қўшиқлардан кўп бор баҳраманд бўлган эсам-да, бу галгиси руҳиятимни мозий қаърига анчайин ичкарилатиб борди гўё. Кузатувчилар орасида таниқли шоир Матназар Абдулҳаким ҳам бор эди. Ундан таассуротларини сўрадим. У фикрини шундай баён этди: «Сўз ва соз уйғунлигини таъминлаш, сўзнинг созга, сознинг сўзга мутаносиб бўлиши учун риёзат чекишдек тансиқ бир фаолиятга илк дафъа дуч келишим. Бундай ҳамкорликда иштирок этиш бахтига буюк сўз ва буюк соз одами бўлган Комил Хоразмий «Танбур чизиқлари» сабаб бўлаётганидан бахтиёрман. Бу чамбарчаслик давримиз санъаткорлари учун сабоқдир.»

Чиндан ҳам бу ашулаларда сўз ва соз бениҳоя гўзал тарзда уйғунлик топган. Мана, сўзига эътибор беринг:

**Ё вожиб ал вужуд лакал ҳамду васанно,**
**Оинаи вужудинга йўқ жавҳари фано.**

**Меъмори сунъинг айлади икки жаҳон уйин,**
**Обу гил фано у бақо тархидин бино.**

**Қилдинг чу ғамгусорлик ўлди тенгиз аро,**
**Дурри ятим парваришига садаф ано.**

**Айлаб камоли ҳусн ила маъшуқлик аён,**
**Ошиқларинга туҳфа юбординг ғаму ано.**

**Гар қилмасанг карам ғами ҳажринг асири биз,**
**Қутқаргали на фикр қилур наф, на гино.**

**Бегона айлабон мени абнойи даҳрдин,**
**Куйинг аро ўз итларинга қилгил ошно.**

**Мунисни товба соғоридин ўйла, маст қил,**
**Ким ул насуҳдек ойла олмасун яна.**

Янги топилма нусхада бундай яратганга илтижо қилиб, ғаму ҳасратига даво, дарду балосига нажот тилаш оҳангида ёзилган ғазаллар талайгина. Бу ўша муаллифлар яшаган давр ижтимоий муҳитига хос бўлган кечинмалар, албатта. Балки шунинг учун ҳам уни кўз қорачиғидек асраб келган инсонлар собиқ мустабид тузум важоҳатидан қўрқиб, мазкур қўлёзма тақдирининг дахлсизлигини таъминлашган. Чунки ўша даврда диний мавзудаги ҳар қандай асарга бидъат сифатида қаралган.

«Танбур чизиғи»нинг жуда катта мусиқий ва маънавий хазина эканини шундан ҳам билса бўладики, унда жами 97 та ашула мавжуд. Шундан 70 таси Хоразм танбур мақомларининг айтим йўллари, қолган 27 таси эса Хоразм дутор мақомларининг айтим йўлларига тааллуқлидир. Умумлаштириб айтганда, унда танбур ижросига мослаб ёзилган 5 та мақомнинг ашула қисми ва «дутор мақомлари» деб юритиладиган 5 та мақом бор. Шу ўринда бу икки жиҳатга изоҳ бериб ўтиш жоиз. Айтим йўли – мусиқа матни ва сўз матнидир. Чолғу йўли эса фақат мусиқа матнидан иборат.

Шу пайтгача номи ҳатто мусиқа мутахассисларига ҳам нотаниш бўлган бир қатор мақомларнинг янги топилмада мавжудлиги унинг илмий салоҳиятини янада оширади. Масалан, «Зиҳи наззора» ва унинг «талқини», «таржибанди», «нақши», «ифори»си; яна «Роҳавий» ва унинг «талқини», «нақши», «соқийнома»си, «ифори»си; яна «Охёр» (ағёр маъноси) ва унинг «талқини», «ифори»си, «чоки гирибони» ва бошқа жуда кўплаб биз қайд қилмаган ашулалар мавжудки, буларни фақат мутахассислар мағзини чақиб, ҳофизларимиз талқин қилганларидан кейингина эшитиб ҳузур қилиш мумкин. Урганч мусиқа коллежи жамоаси ўрганиб, ижро эта бошлаган 5-6 та ашула ҳали «хамир учидан патир», холос. Агар бу қарийб бир йилдан буён тинимсиз изланиш ва машаққатли меҳнат эвазига эришилган ютуқ эканлигини эътиборга олсак, бу қўлёзманинг нақадар мураккаблигини тушуниш қийин эмас. Ҳали жуда кўп иш олдинда. Негаки, унда жами 97 та ашула борлигини тасаввур этиб кўринг.

«Келгусида янги топилмадаги барча мақомларни ўзлаштириб, қоғоздан жонли ижрога ўтказиш ниятидамиз», – дейди катта умид ва ишонч билан коллеж мақом ансамблининг бадиий раҳбари Мадраҳим Ёқубов.

Аслида, янги топилма бу жамоага қандай етиб борди, улар ўзларига нотаниш бўлган қўлёзмани тадқиқ этишга қандай куч ва журъат топишди, деган саволлар менга тинчлик бермасди. Ниҳоят коллеж раҳбари Қадамбой Мусаевдан жавоб топдим. «Ўтган йилнинг 31 март куни коллежимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли мусиқашунос олим Отаназар Матёқубов билан ижодий учрашув бўлди, – деб ҳикоя қилади у. – Шунда у киши Хоразм мақомларининг «Танбур чизиғи»да ёзилган янги нусхаси топилганлиги, унинг аҳамияти ҳақида гапириб, топилмани Хоразм Маъмун Академиясига топширажагини айтди. Барча қизиқувчиларни уни тадқиқот ва тарғибот қилишда жонбозлик кўрсатишга ундади. Шундан сўнг бу тарихий қўлёзмани ўзлаштириш учун ҳаракатлар бошланди. Бу ишни рўёбга чиқариш учун мақом усталаридан маслаҳатлар олиб турдик. Ҳаттоки, биргина «Рост» мақомининг тарона усулини ўзлаштириш учун Бухоро мақомларининг билимдони, устоз Ари Бобохонов ҳузурига вакилларимиздан Р. Болтаев ва Б.Раҳимовларни ижодий сафарга юбордик.»

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бундай тарихий ва мутахассисларга ҳам нотаниш қўлёзмани тадқиқ этиб, жонли ижрога тадбиқ этиш битта созанда ёки ҳофизнинг қўлидан келаверадиган иш эмас. Уни мукаммал ўрганиш учун ҳофиз, созанда, тарихчи, шоир, ва табдил қилувчилардан иборат бўлган гуруҳ жипслиги зарур эди. Урганч мусиқа коллежи жамоаси шунга эриша олди. Ҳамма гап шунда.

Яқин кунларда халқимизга шу пайтгача номаълум бўлган мусиқий хазинамиз намуналари ойнаи жаҳонда, радиода, аудио ва видеотасмаларда янграб, кўнгилларни хуш қилиши, шубҳасиз. Бу ниятнинг азалий байрамимиз Наврўз кунларида, энг муҳими, улкан мусиқий кошона — Консерваториянинг янги биноси очилиши билан бир пайтда рўёбга чиқаётганлиги бамисли кутилган мўъжизага ўхшайди.

**Сафар ОЛЛОЁР**

*Тошкент -Урганч -Тошкент.*

# АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛАМШУМУЛ ИЖОДИЙ МЕРОСИ

## Бадиа

Боши биринчи бетда

кишилик қўшин билан жанг қилади.

Бу жангда Амир Темур қаҳрамонлик кўрсатиб, шундай кўп сонли ғанимни енгади. Лекин унинг ўнтагина одами тирик қолади. Шулардан еттитаси отлиқ. Қолган отлар ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган.

Амир Темурнинг ёшгина рафиқаси Ўлжой Туркон оға ҳам сафарда бирга экан. Амир Темур отига рафиқасини миндириб, ўзи пиёда қум барханлари оша жанубга — Хуросон томонга йўл олади.

Мохон деган жойда, қадимги Марв шаҳри яқинида уларни Алибек Жонқурбоний деган ҳоким ўз навкарларига тутдириб, бир уйга қамаб қўяди.

Амир Темур бундай адолатсизликка кўникиб бўйин эгадиган одамлардан эмас эди.

«Тутқунликдан қутулиш чорасини излаб, ўз-ўзим билан кенгашдим, - дейилади Тузукларда, - Тангрининг инояти етиб, баҳодирлигим тутди. Бор кучим ва чапдастлигимни ишга солиб, соқчилардан бирининг қўлидаги қиличини тортиб олдим. Соқчиларга ҳамла қилган эдим, бариси қўрқиб қочди.

Қилич кўтарганча тўғри Алибекнинг устига бостириб бордим. Қилич тутганимни кўриб қўрқди. Қилган номуносиб ишидан пушаймон бўлиб, мендан узр сўради»[3].

Амир Темур умр йўлдоши билан ҳибсдан қутулгандан кейин Хуросон томонларга боради, унинг атрофига бир неча юз тарафдорлар тўпланади. Ҳали бу куч билан Туғлуқ Темурхоннинг кўп минг кишилик қўшнига бас келиб бўлмас эди.

«Икки юз одамимни Бухоро атрофларига тарқатдим, - деб ҳикоясини давом эттиради Амир Темур, - Ўлжой Туркон оғани ҳам яширикча ўша ерда қолдирдим, ўзим Самарқандга йўл олдим... Яширинча улус оралаб, икки мингга яқин кишини иттифоқдош қилдим. Самарқанд узра салтанат байроғини кўтаргудек бўлсам, улар ёрдамга келадиган бўлдилар. Тунда пинҳона Самарқандга кирдим ва катта опам Қутлуғ Туркон оғанинг уйига жойлашдим. Кечаю кундуз фикр оғушида чора-ю тадбир изладим. Шу тариқа қирқ саккиз кун яшириниб ётдим. Охири шаҳарликларнинг биттаси менинг бу ерга келганимни пайқаб қолди. Сирим очилишига оз қолганда, ночор, бирга келган эллик йигитимни олиб, кечаси Самарқанддан чиқиб кетдим»[4].

«Самарқанд узра салтанат байроғини кўтариш» - чингизийларни Турондан қувиб юбориб, мустақил давлат тузиш деган гап эди. Бу улуғ мақсадга етиш йўлида Амир Темур яна кўп хавфу хатарларни, саргардонликлар ва оғир кўргуликларни бошдан кечиради.

«Қандаҳор томон кетаётиб, Ҳилменд дарёсининг бўйига етганимда... Гармсир вилоятининг халқи ва сипоҳидан қарийб минг отлиқ турк ва тожик менга қўшилди, – дейилади Тузукларда. — «Сейистон валийси... элчи орқали совға-салом юбориб, мендан ёрдам сўради, «душманларим менга зулм ўтказиб, етти қалъамни тортиб олдилар, агар Амир Темур бу қалъаларни душман қўлидан халос қилсалар, аскарларига олти ойлик озиқ-овқат етказиб берар эдим» деган ваъдани берди. Мен Сейистон томонга қўшин тортдим, етти қалъадан бештасини куч ва тадбир билан қўлга киритдим. Буни кўриб, Сейистон валийсининг дилига қўрқув тушди. «Агар Амир Темур бу ерларда туриб қолса, Сейистон мулки уники бўлиши аниқдир», деган хаёл билан валий тунда менга қарши тажовуз қилди, бехосдан устимга қўшин тортиб бостириб келди... Иложсиз жангу жадалга киришдим.

Бир ўқ келиб билагимга қадалди, яна бир ўқ оёғимни яралади... шунга қарамай, жангни улар устидан ғалаба қилгунча давом эттирдим... Гармсир вилоятида икки ой яраларим битгунча қолиб кетдим»[5].

Мана шу парчанинг таҳлилига батафсилроқ тўхталиш жоиздир. Чунки бу ерда Амир Темур ҳаётининг энг драматик воқеалари мардона вазминлик билан, қисқа, равон ва жуда таъсирли қилиб айтиб берилган. Бу лавҳалар худди бадиий асардек ўқилади.

Бадиий адабиётда «муаллиф образи» деган тушунча бор. Воқеалар биринчи шахс номидан тасвирланган асарда кўпинча муаллиф бош қаҳрамон сифатида гавдаланади.

Юқорида келтирилган лавҳаларда ҳам бош қаҳрамон – Амир Темурнинг ўзидир. Муаллифнинг сўзлаш тарзи, услубий ўзига хослиги орқали биз унинг феъл-атворини тасаввур эта оламиз.

Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган тарихчи Ибн Арабшоҳ унинг қиёфасини қуйидагича тасвирлаган:

«Темур баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардай улкан қоматли, елкалари кенг, боши шерникидай катта, бармоқлари йўғон, оқу-қизил тиниқ юзли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли, бадани пишиқ, худди тош мисоли қаттиқ, ўлимдан қўрқмайдиган изтиробсиз, вазмин одам эди»[6].

«Темур тузуклари»дан келтирилган лавҳалар Ибн Арабшоҳ тасвир этган қаҳрамон қиёфасига мантиқан тўғри келади. Амир Темур ўлимдан қўрқмайдиган ботир йигит бўлгани учун мўғул истилочиларига қарши кураш майдонига чиқади. Бу майдонда у мардона жанг қилади, олтмиш йигити билан минг кишилик Таваккал ботирни енгади. Унинг жўмардлиги– ёшгина хотинини отга миндириб, ўзи қум барханлари оша пиёда юрганида ҳам кўринади. Алибек Жонқурбоний золимлик қилиб уни қамаб қўйганда Амир Темурдан бошқа заифроқ одам бўлса умидсизликка тушиб, «оҳ-воҳ!» қилиши, фиғони кўкка чиқиши мумкин эди. Лекин Амир Темур яна ўша вазминлик билан нажот йўлини излайди, ўзи-ўзи билан кенгашади. «Тангрининг инояти етиб, баҳодирлигим тутди» дейди. Бу баҳодирлик – ўлимга қарши тик бора олиш, бор кучи ва чапдастлигини ишга солиб, ғаним билан олиша билиш илҳомига ўхшайди.

Қамоқхона эшиги олдида турган соқчининг бепарво пайтини топиб, тўсатдан унинг қиличини тортиб олганда шердай ғазабнок Амир Темурнинг важоҳати соқчини қанчалик қўрқитиб юборганини муаллиф – қаҳрамоннинг гап оҳангидан пайқаймиз. Кўзлари оловдай ёнган, шерсифат паҳлавон қўлида яланғоч қилич билан Алибек Жонқурбоний қаршисида тўсатдан пайдо бўлганда бу золим ҳам беихтиёр қўрқиб кетганига ва Темурбекни ноҳақ қаматгани учун узр сўраганига биз яна муаллиф образининг ҳаққонийлиги туфайли ишонамиз.

Ўз олдига Ватанини босқинчи мўғуллардан озод қилиш каби улуғвор мақсадни қўйган Темурбек яширикча Қарши ва Самарқандга боради. Икки мингга яқин тарафдорлар топади. Лекин мўғул хони 20-30 минг қўшини билан мамлакатни асоратда тутиб турибди. Ҳали унга қарши қилич яланғочлайдиган вазият етилган эмас.

Темурбек сабр-бардош билан қулай пайтни кутади, Самарқандда эгачиси Улуғ Туркон оғанинг уйида 48 кун яшириниб ётади. Шу кунларнинг охирида бир бегона одам уни кўриб таниб қолади.

Душман қўлига тушмаслик учун Темурбек яна эллик йигити билан Самарқандни тунда яширикча тарк этади.

Қочқинлик ва саргардонлик бир неча йил давом этади. Хуросонга борганда Гармсир вилоятининг мингга яқин турку-тожик йигитлари унинг қўшинлари сафига киради. Бу навкарларни озиқ-овқат ва қурол-яроқ билан таъминлаш зарур. Ана шу ҳаётий зарурат туфайли Темурбек Ҳиротдан жануброқда жойлашган Сейистон ўлкасининг ҳукмдори Малик Маҳмуд билан иттифоқ тузиб, шартлашади. Қўшиннинг олти ойлик озиқ-овқат захираси эвазига Темурбек Малик Маҳмудга ёрдамга боради. Темурбек иттифоқдошлик шартини мардона бажаради. Аммо Малик Маҳмуд номардлик қилади, елкадан пичоқ ургандай бўлади.

Аввалги даҳшатли қирғиндан омон чиққан Темурбек бу гал оғир ярадор бўлади. Тафсилоти айтилмаган бўлса ҳам, биз олчоқ «иттифоқдош» Маҳмуднинг тунда тўсатдан қилган ҳужуми пайтида Амир Темур зирҳли кийимларини кийишга улгурмаган бўлиши мумкин, деб тахмин қиламиз. Шу ҳам сабаб бўлиб, бирдан ҳам ўнг қўлига, ҳам ўнг оёғига ўқ тегади. Агар ўқ теккан заҳоти яраларнинг қонини тўхтатиб, муолажа бошланса, оқибати бунчалик ёмон бўлмаслиги мумкин эди. Лекин Темурбек одати бўйича жангни ғалабага эришгунча давом эттиради. Шундан кейин икки ойгача яралари тузалмай бетоб бўлиб ётганига қараганда, аҳволи жуда оғир бўлади.

Бу воқеаларни ҳикоя қилиб берган муаллифнинг қаҳрамонона характерини яна унинг босиқ, вазмин ва мардона гап оҳангидан илғаб оламиз. Бошқа таъсирчанроқ одам бўлса, яхшиликка ёмонлик қилган Малик Маҳмудни «хоин, аблаҳ» деб қоралаб, бу бахтсиз ҳодисани куйиб-ёниб ҳикоя қилиб берган бўларди. Чунки шу ҳодиса туфайли Темурбек кўп азиятлар чекди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ватанини мўғул босқинчиларидан озод қилади, қудратли давлат тузади ва 1383 йилда, яъни орадан 21 йил ўтгандан кейин Сейистонга қўшин тортиб боради. Сейистон валийси Малик Маҳмуд ҳали тирик экан, асир тушади. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, Амир Темур уни ўшанда хоинлик қилиб отган камон ўқлари билан отиб ўлдиришни буюради[7]. Олчоқ ғанимга қасос қайтади.

«Темур тузуклари»даги жумла тузилишлари, моҳият ва маънонинг беҳад қуюқлиғи «Алп Эр Тўнга» достонини ва тош битиклардаги Билга Хоқон ва Култегин тарихларини эслатади. Ўша қадимий достонлар ва тош битикларда кўринган мардона услуб, моҳият ва маънони туркий тилда қисқа, лўнда ва ростгўйлик билан ифодалаш анъанаси «Темур тузуклари»да янада яққол кўзга ташланади.

«Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, – дейди Амир Темур. – Ҳузур-ҳаловатдан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим»[8].

Муаллиф фақат эришган ютуқлари ҳақида эмас, йўл қўйган хатолари тўғрисида ҳам ростгўйлик билан ёзади:

«Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуғ ва эътиборли амирларимдан бўлган Амир Аббос ҳақида ёмон гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлар шамоли билан ғазабимни алангалантирдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан Амир Аббосни ўлимга буюрдим. Лекин кейинчалик уларнинг Амир Аббосга ҳасад ва душманлик билан ёлғон гапирганлари аниқланди. Мен қилган ишимдан ўкиниб, жуда пушаймон бўлдим»[9].

Шу ўринда «Темур тузуклари» тўлақонли реалистик асарлардагина бўладиган иқрор лавҳаларини эсга солади.

Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бу асарнинг моҳияти ва маъноси баъзи кўп жилдлик романларга ҳам сиғмаслиги мумкин. Лекин Амир Темурнинг мақсади фарзандлар ва авлодларига ўз ҳаётий тажрибасини аниқ-равшан шаклда етказиб бериш бўлганлиги учун бошқа тарихнавислар уддалай олмаган ишни у ўзи қилишга интилади.

«Зафарнома»лар унинг ҳарбий юришлари ҳақида анча тўлиқ маълумот беради. Амир Темур шуни билганлиги учун Тўхтамишхонга қарши юриши ва Йилдирим Боязид билан қилган жанги тўғрисида жуда қисқа – бир бет, ҳатто ярим бет ёзади. Аммо тарихчилар унча яхши ёритолмаган мавзуларга атайлаб батафсилроқ тўхталади.

Ана шу мавзулардан бири – саркардалик маҳорати ҳақидадир.

«Яхши лашкарбоши ўзини ва қўл остидаги тўққиз сипоҳий фавжини[10] бир танадек кўрсин, уларни шу яхлит тананинг қўли, оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларидек ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек ҳисобласин...

... Борди-ю, лашкарбошининг ўзи қилич чопишга мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сақласин. Чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтиради, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлади»[11].

Амир Темурнинг даҳо даражасидаги саркарда бўлганини бутун дунё тан олади. Унинг ҳарбий санъати «Темур тузуклари»нинг бадиий тилида ўзининг ёрқин ифодасини топгани юқоридаги сатрларда яққол кўзга ташланади. У 200 минг кишилик улкан лашкарни худди ўз танасидаги аъзоларини курашда яхши ишлата оладиган моҳир паҳлавондек ишлата олган ва буни қўл остидаги лашкарбошиларга, ўз авлодлари ва ворисларига образли тафаккур ёрдамида ўргатган.

Ўнлаб аскарий қисмларни худди ўз танасининг аъзолари каби ичдан ҳис қилиб бошқариш – бадиий тасвир нуқтаи назаридан баҳолаганда образли тафаккурнинг ажойиб бир намунасидир.

Асарнинг иккинчи қисмидан қонун кучига эга бўлган 27та тузук ўрин олгандир. Улардан биринчиси «Менинг даргоҳимга илтижо қилиб, паноҳ истаб келган турку тожик, арабу ажам тоифаларидан бўлганлар борасидаги тузук» деб аталади.

«Агар касбу ҳунар, маърифат аҳлларидан бўлсалар, буюрдимки, хизмат ўринларини белгилаб, салтанат корхоналаридан юмуш берилсин... Деҳқонлар ва раъиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг иморати бузулиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар билан ёрдам кўрсатилсин»[12].

Бу сатрларда биз Амир Темурнинг чингизийлар истилосидан қутулган эл-юрт ҳаётида чинакам бурилиш ясаганини, ҳунармандга ҳам, маърифат аҳлига ҳам, деҳқонга ҳам, оддий фуқарога ҳам иложи борича яхшилик қилишни тузуклар орқали қонун даражасига кўтарганини кўрамиз.

«Темур тузуклари»ни муаллиф умрининг охирги даврида авлодларга мерос тарзида яратиб кетган. Бу маданий мероснинг дунёга келганига 600 йил бўляпти. Шу олти аср давомида Ўзбекистон тупроғида пайдо бўлган энг улуғ тарихий, адабий ва лисоний ёдгорликларнинг олдинги қаторидан «Темур тузуклари» ўрин олишга муносибдир.

Шу вақтгача Амир Темур ҳақида бутун жаҳонда юзлаб адабий асарлар яратилган бўлса, улар орасида Амир Темур образини энг ҳаққоний ва ёрқин акс эттирган китоб «Темур тузуклари»дир. Биз бу асарнинг тили ва тасвир воситалари орқали Амир Темурнинг яшаш ва сўзлаш тарзи, унинг ички дунёси ва феълу атвори тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Бундай тасаввурни фақат реалистик адабий асаргина бериши мумкин.

«Темур тузуклари» ўзбек адабиётида бундан олти аср бурун реализмни бошлаб берган автобиографик асар сифатида юксак даражада қадрланиши керак. Амир Темур Низомиддин Шомий каби адиблар олдига ҳам реалистик талаблар қўйгани, лоф ва муболағага берилмасдан, чин ҳақиқатни барчага етиб борадиган тушунарли тилда ёзишга даъват этгани бугунги адабий авлодлар учун ҳам юксак бир ижодий сабоқ бўлиб хизмат қилади.

**Пиримкул ҚОДИРОВ**

1 Асарда "Ўзбекларнинг" дейилган, лекин чингизийлар назарда тутилган.
2 "Темур тузуклари", 1991 й., 20-21-бетлар.
3 Ўша китоб. 22-бет.
4 Ўша китоб. 24-бет.
5 Ўша китоб, 24-25 бетлар.
6 Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, 1992 й., II жилд, 65-бет.
7 Қаралсин: «Темур тузуклари», 1991 й. 251-бет.
8 Ўша китоб, 54-бет.
9 Ўша китоб, 73-бет.
10 Фавж – ҳозирги батальон тушунчасига тўғри келади.
11 Ўша асар. 101-102-бетлар.
12 «Темур тузуклари», 1991 йил, 67-бет.

## ТЕРМИЗ — 2500

Ибн БАТТУТА

# ТЕРМИЗНИНГ БОҒЛАРИ КЎП...

### «Саёҳатнома»дан

...Биз Самарқанддан чиқиб Насаф шаҳридан ўтиб, Термиз шаҳрига етиб келдик. «Ал-Манзума фи-л-масаил ал-хилафиййа байна ал-фуқаҳо ал-арбаи» («Тўрт мазҳаб фақиҳлари ўртасидаги баҳсли масалалар ҳақида рисола») асарининг муаллифи Абу Ҳафс Умар ан-Насафий, Оллоҳ ундан рози бўлсин, худди шу шаҳарда туғилган. Яна «ал-Жомиъ ал-кабир фи-с-сунани» китобининг муаллифи Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий шу масканда таваллуд топган. Бу — чиройли иморатлари ва бозорлари кўп бўлган йирик шаҳардир. Уни бошдан-оёқ анҳорлар кесиб ўтади, боғлари ҳам жуда кўп. Айниқса, узум билан беҳиси жуда ширин, гўшт, сут жуда сероб. Шаҳар аҳолиси ҳаммомда бошини тафл (хушбўйликлар аралаштирилган думалоқ совун — **таҳр**.) билан эмас, қатиқ билан ювади. Ҳаммом ходимлари ўнлаб катта кўзаларни қатиқ билан тўлдириб қўядилар. Ҳаммомга кирган ҳар бир киши қатиқни шундай кўзадан кичикроқ идишга солиб бошини ювади. Қатиқ сочни тоза ва силлиқ қилади. Ҳиндистонда яшовчилар эса соч-соқолларини шираж деб аталадиган сезам мойи билан ювадилар, сўнгра кетидан тафлдан фойдаланадилар. Натижада бош териси юмшаб, соч силлиқ бўлади, тез ўсади. Шунинг учун ҳам ҳиндлар ва умуман Ҳиндистонда яшовчи ҳамма кишиларнинг соқоли узун бўлади.

Эски Термиз Жайҳун соҳилида қурилган эди. Чингиз уни вайрон этганидан сўнг янги шаҳар дарёдан унча узоқ бўлмаган масофада бунёд қилинган. Биз у ерда катта ер ва боғлар соҳиби, энг муҳтарам ва обрўли шайхлардан бири — Шайх Азизон зовиясига қўндик. Шайх ўз бойликларини зиёратчиларни боқишга сарфлар экан.

Бу шаҳарга келишимдан аввал ноиб Ало ул-мулк Худовандзода билан учрашгандим. У Термизда каминани муносиб кутиб олишлари учун мактуб ёзиб берди. Термизда эканлигимизда бизга ҳар куни ноз-неъматлар келтиришиб, меҳмон қилиб турдилар. Бу ерда яна шаҳар қозикалони Қавомиддин билан учрашдик. Ул зот Ҳиндистон саёҳатига рухсат олиш мақсадида султон Тармаширин ҳузурига бораётган экан. (Ҳиндистон сафарида) Мултонда қозикалон Қавомиддин, унинг укалари Зиёвуддин ва Бурҳонуддин билан учрашганимиз, ҳаммамиз Ҳиндистон сафарида бирга бўлганимиз, Ҳиндистон подшосининг саройида қозикалоннинг укалари Имомиддин ва Сайфиддинни учратганим, қози Қавомиддиннинг ўғиллари билан кўришганим, оталари вафотидан сўнг уларнинг Ҳиндистон подшоси саройига келишгани ва вазир Хожа Жаҳоннинг икки қизига уйланганлари, шу (тўй) билан боғлиқ воқеалар, худо хоҳласа, кейинроқ баён қилингусидир.

Шундан сўнг биз Жайҳундан ўтиб, Хуросонга йўл олдик...

# СЎЗЛАРИ СЕҲРЛИ...



Бугунги Термиз.

Халқимизнинг бу донишманд фарзанди ҳақида фикр юритишдан аввал атоқли адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқовнинг қуйидаги мулоҳазаларини келтириб ўтиш ўринли бўлади. Олим ёзади: «Рудакий даврида ривожлана бошлаган дарий тилидаги адабиёт кейинги даврларда ҳам ўз тараққиётини давом эттирди. Туркий ҳукмдорлар даврида ҳам форсий тилдаги адабиёт кенг миқёсда ривож топиб, юксак мавқеини сақлади. Бинобарин, турк ҳукмдорларига бағишланган ёки уларнинг ташаббуси билан яратилган асарларнинг кўпчилиги форсий тилда битилган.

X – XV асрларда форсий тилда яратилган бой адабиётни юзага келтиришда фақат форс-тожик тилида сўзлашувчи халқларгина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқдаги жуда кўп халқларнинг (озарбойжон, курд, афғон ва Ўрта Осиёдаги туркий халқлар) вакиллари ҳам актив иштирок этган. Ҳатто уларнинг айримлари форсий тилдаги классик адабиётнинг етакчи намоёндалари даражасига кўтарилган». Шундай машҳур зотлардан бири буюк бобокалонимиз Адиб Собир Термизийдир.

Бу забардаст сўз санъаткори, доно олимнинг номи бутун Шарқда довруғ қозонган. У ҳақда устод Абдураҳмон Жомий катта ҳурмат билан ёзади: «Ширинсухан шоир, доно олим бўлган. Унинг шеърларида латофат ва малоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига қойил қолганлар». Давлатшоҳ Самарқандий эса ўзининг ўлмас асари «Тазкират уш-шуаро»да Адиб Собирни «хушсухан, сўзлари покиза, равон ва сеҳрли», «ўз асри шоирларининг сардафтари», деб юксак баҳолайди.

Адиб Собир Термизий шеърлари мамлакатимизда она тилимизда қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда. Масалан, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоир асарларини 1979 йили «Танланган асарлар», 1982 йили «Сайланма» деган номлар билан кўпминг нусхада босиб чиқарган. Шеърларни форсчадан Чустий, Жамол Камол, Эшбой Пардаев таржима қилганлар. Қардош Тожикистонда эса Термиз давлат университетининг профессори Аҳмад Абдуллаев томонидан «Ирфон» нашриётида Термизийнинг «Танланган асарлар» китоби чоп этилган.

Яқинда яна бир хайрли иш рўёбга чиқди: Термизий шеърларининг тўлдирилган нашри Теҳрон шаҳрида амалга оширилди. Бу китобнинг чоп этилишида Аҳмад Абдуллаев, профессор Рашид Қулматов, Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчисининг муовини доктор Иброҳим Худоёр, Қ.Жўраев саъй-ҳаракат қилдилар.

Шоирнинг мазкур девонидан 126 қасида, 7 таржибанд, 67 ғазал, 162 қитъа, 88 рубоий, жамиъ 8048 байт ўрин олган.

Адиб Собир ўз даврининг золим амалдорлари қилмишларидан нолийди. Ҳунарманд, косиблар, камбағал деҳқонларга ўтказилаётган зулмни қоралайди:

**Ниҳоят, ҳаддан ошди, бемазалик**
**авжга чиқди,**
**Фалак қасди, жаҳон жабрию юлдузнинг**
**жафоси ҳам...**

**Замон тузсизлигидан менга шундай**
**жабрлар қилди,**
**Кўзимнинг ёшида туздек эриб кетдим,**
**топиб барҳам.**

Аммо мансаб эгалари бева-бечоралар аҳволига ҳеч парво қилмайдилар. Улар камбағал, ночорларнинг ҳолидан хабар олмайдилар, ўз манфаатларини етим-есирлар ҳисобидан топадилар. Шу тариқа Адиб Собир XII аср ҳаётини зулм, фитна ботқоғига ботган, деб «халқ мулкини ейдиган» золимлар ўз қилмишларини мусулмончилик ниқобида амалга ошираётганликларини таъкидлади. Бинобарин, улар мусулмон эмас, аксинча, мусулмончиликка футур етказган кишилардир:

**Ҳазар қилгил замондан,**
**ҳам худодан қўрққил, эй одам,**
**Агар сен ер юзининг**
**барчасига шоҳ ҳам султон.**
**Ғазаб қилса худою, ҳам замона**
**сенга қасд этса,**
**Бўлур бир лаҳзада бу**
**тахту бахтинг ер билан яксон.**

Адиб Собир ақидаси бўйича халққа ёмонлик қилиш, бу – ўта пастлик ва жоҳилликдир. Агар дунёда ном ва шуҳрат топишни истасанг, яхшилик қил ва халқ билан бўлиш хислатини ўрган, дейди у:

**Умидим йўқ замонда яхшиликдан,**
**Умид бирла ва лекин ўтди умрим.**
**Разиллардан бўшаса – яхши олам,**
**Сахийлардан бўшабдур энди билсам.**

Адиб Собир Термизий ўз замонасининг комил кишиларидан бўлиб, ёмонлик, мунофиқлик, зулм ва жаҳолатдан нафратланган, яхшилик, адолат, вафодорликни тарғиб қилган.

Қадимий шаҳримиз Термизнинг улкан тўйи нишонланаётган шу фараҳбахш кунларда Адиб Собир Термизий сингари донишманд аждодларимизни эслаш биз — авлодларнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Қудрат ЖЎРАЕВ, профессор,**
**М. ХОЛИҚУЛОВ, журналист**

Адиб Собир ТЕРМИЗИЙ

## ҒАЗАЛЛАР

**Зулфинг каби беқарорман ишқингдан,**
**Кўзларингдек пурхуморман ишқингдан.**

**Лола барги мисол қирмиз юзингдин**
**Дилсўхтаю лолаворман ишқингдан.**

**Рўзғор каби ул паришон зулфингдин**
**Шўридаи рўзгорман ишқингдан.**

**Дийдорға бир рухсатинг йўқ, дилтангман,**
**Кўзда ёмғир – ашки борман ишқингдан.**

**Туфроқ каби хор тутгайсан мани сан,**
**Қўлда фақат ел туторман ишқингдан...**

***

**Дилни дилбар ишқи бирлан шод қил,**
**Юзу сочидин гулу шамшод қил.**

**Ақлу андишангни кўй пештоққа,**
**Шодсевар нафсингни бир дилшод қил.**

**Гоҳи беғамлик биносин қурғил,**
**Гоҳ саройи шодлиғинг обод қил.**

**Баски, ишқ чокарларин жорий эт,**
**Баски, ҳирс тутқунларин озод қил.**

**Зулмимиздин бизга инсоф сўр, сўр,**
**Кўкка бул бедодимиздин дод қил!..**

## ТАШБИҲЛАР

**Жавр этувчи ушбу юксак айвондур,**
**Ул айвонда Муштарий ва Кайвондур.**
**Оғир-оғир оҳ чекадур инсонлар,**
**Боис яна ушбу баланд айвондур.**
**Одамзодга ушбу айвон давридан**
**Жавр турфа, ранж хилма-хил – алвондур.**
**Гарчи гоҳи бахт берадур, гоҳ алам,**
**Гарчи гоҳи ризқу, гоҳи армондур.**
**Ундан куйма, у ҳам сендек мажбурдур,**
**Ҳеч ранжима, у ҳам сендек ҳайрондур!..**
**Мағрур бўлсанг гар давлату нусратга,**
**Нусратинг ҳам бекордуру хизлондур...**
**Хурсанд бўлиб, хандон кулма, кутурма,**
**Боқгил, ахир, зулмингдан халқ гирёндур!**
**Барра гўшти ерсан етим молидан,**
**Барра эмас, пиширилган ул қондур!**
**Ишқинг фақат емоқ-ичмоқ, керилмоқ,**
**Егил осон, чунки емоқ осондур.**
**Ўз-ўзингча мусулмонсан гарчи сен,**
**Мусулмонлиғ эмас бу йўл, аёндур.**
**Раҳму инсоф, адолатни одат қил,**
**Гар муродинг ризойи Ҳақ – Яздондур.**
**Собир шеъри кўнгил ва табъ бобинда**
**Гавҳарга ғам, яна рашқи маржондур!**
**Фалон-Баҳман жинси эмас бу сўзлар,**
**Анинг сўзин тутғил, ўзга жаҳондур!**

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Тақдимот

Ёзувчи ва шоирлар, истеъдодли ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолияти халқимиз ҳаётининг ўзига хос ойнасидир. Негаки, халқнинг қувонч ва ташвишлари, орзу-ўйлари улар яратган асарларда ўзининг ёрқин ифодасини топган бўлади. Шу маънода истеъдодли ижодкорларнинг ҳаётига бағишлаб яратилаётган ҳужжатли филмларга қизиқиш ғоятда катта. Яқинда ижодкорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Ўткир Ҳошимов» ҳужжатли филмининг тақдимоти ҳам бунинг ёрқин далили бўлди дейиш мумкин.

«Ўзбектелефилм» студиясида суратга олинган филм сценарийси муаллифи ёзувчи Эркин Усмонов ҳамда режиссёр Эргаш Нормуродовлар йигирма беш дақиқалик киноасарда адибнинг 40 йиллик серқирра ижод фаолиятини тўлақонли акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Эркин Воҳидов, таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, шоирлар Шарифа Салимова, Сирожиддин Саййид, Азим Суюн, «Дўмбиробод» маҳалласи оқсоқоллари таъкидлаб ўтишганидек, кўплаб ҳикоя, қисса ва романлари, публицистик асарлари билан китобхонлар қалбидан кенг жой олган адибнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бу филм маърифий жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар яқинда Миллий матбуот марказида намойиш этилган «Абдулла Орипов» ҳужжатли филми сингари бу кинокартина ҳам адабиёт мухлислари учун чинакам туҳфа бўлди дедилар. Бундан бир неча йил муқаддам Учқун Назаров томонидан яратилган ўн икки дақиқалик «Абдулла Қаҳҳор» филми эсга олиниб, умуман, бугунги кунда улкан ижодкорларнинг ҳаётини кино ва видеотасмаларига муҳрлаш борасида вужудга келган тажрибаларни умумлаштириш ва шу асосда ҳужжатли кино яратишни санъат даражасига кўтариш имкониятларига эътибор қаратилди.

# АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан мазкур билим маскани ўқитувчи ва талабалари, тумандаги китобхонларнинг учрашуви бўлди. Учрашувни туман ҳокими И.Исломов очиб, таниқли адиблар билан бундай учрашувлар маънавиятимиз ривожида таъсирчан омил бўлишини таъкидлади ва адибни олтмиш ёши билан қутлади. Тадбирда иштирок этган шоир ва олимлар Икром Отамурод, Эшқобил Шукур, Жуманазар Бекназар Муҳаммад Али ижоди ҳақида сўзладилар. Ғафур Ғулом номидаги мактаб ўқувчилари Г. Бозорова, Ҳ. Мардонов, Лутфий номидаги мактаб ўқитувчиси Ф. Кароматова ёзувчи асарларидан олган таассуротларини баён этишди. Қамашилик шоиралар Момохол Элмуродова билан Лола Саодатова ўзларининг адибга бағишлаб ёзишган шеърларини ўқиб беришди.

Учрашувда сўзга чиққан Муҳаммад Али туман аҳлини Наврўз айёми билан табриклаб, кўрсатилган ҳурмат-эътибор учун миннатдорчилигини билдирди ва янги шеърларидан ўқиб берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси **Абдуманноп АЛИМБОЕВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Маданият ишлари вазирлиги Жиззах вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Эргаш Ўриновга отаси **Ўринбой ота РОЗИҚОВ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

